

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил декабрь ойининг 26 куни, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди, “Оққўрғон” МФЙ биносида, сайёр суд мажлисида;

Судья Б.Э.Каюмовнинг раислигида;

судья ёрдамчиси А.Шодмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Мирзо Улуғбек туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ф.Юнусов, гумон қилинувчи У.Эргашева ва унинг манфаатларини ҳимоя қилган адвокати Б.Сапаев, жабрланувчи С.Миралимова иштирокида гумон қилинувчи Эргашева Умида Одил қизига нисбатан № 1-1001-2307/815-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра;

**Эргашева Умида Одил қизи** (Ergasheva Umida Odil qizi), 1998 йил 19 июнь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, икки нафар фарзанди бор, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Сергели-2 мавзеси, 15-уйда яшовчи, эҳтиёт чораси қўлланилмаган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

Суд гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини ҳамда томонларнинг фикрини тинглаб, иш материалларини атрофлича тафтиш қилиб, йиғилган далилларга тегишлича юридик баҳо берган ҳолда, куйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, У.Эргашева, ўзгалар мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2023 йил 5 декабрь куни соат 17:45 ларда, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 5-сонли болалар клиникасида бўла туриб, ўзи билан бир палатада фарзандини даволатаётган Миралимова Севара Мирзахитовнага тегишли бўлган аёллар сумкасида 1.500.000 сўм миқдоридagi пулларни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган.

Суд мажлисида гумон қилинувчи У.Эргашева ўзи содир қилган жиноий ҳаракатига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчи С.Миралимова билан ўзаро ярашиб, унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, ҳозирда жабрланувчи С.Миралимова билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлигини билдириб, улар ўрталарида тузилган ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан жиноят ишини тугатишни сўради.



Суд мажлисида жабрланувчи С.Миралимова, 2023 йил 5 декабрь куни Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 5-сонли болалар клиникасида бўла туриб, ўзи билан бир палатада фарзандини даволатаётган У.Эргашева, унга тегишли бўлган сумкасида 1.500.000 сўм пулларни яширин равишда эгаллаганлигини, ҳозирда У.Эргашевага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашув аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, У.Эргашева билан ўзаро ярашганликларини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи С.Миралимова ва гумон қилинувчи У.Эргашеванинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Мирзо Улуғбек туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ф.Юнусов ва адвокат Б.Сапаевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи У.Эргашеванинг судланмаганлигини, айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарарларнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи С.Миралимовага бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув жабрланувчи С.Миралимова ва гумон қилинувчи У.Эргашеванинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, У.Эргашевага нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи С.Миралимовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 582-586-моддаларига асосан, суд

## **А Ж Р И М Қ И Л А Д И**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан **Эргашева Умида Одил қизи** (Ergasheva Umida Odil qizi)га оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тарафлар ашганлиги муносабати билан тугатилсин.



Жабрланувчи С.Миралимовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисми талаблари тушунтирилсин.

Ажрим қонуний қиргач У.Эргашевага қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи**

**/имзо/**

**Б.Э.Каюмов**

**Нусхаси аслига тўғри:** \_\_\_\_\_

